



Тошкент шаҳридаги  
Аджу университети  
Васийлик кенгашининг 2020 йил 26 июндаги  
1-сонли йиғилиш баёни билан  
ТАСДИҚЛАНДИ

Тошкент шаҳридаги Аджу Университети

# УСТАВИ

Тошкент 2020

# Тошкент шаҳридаги Аджу университети

## УСТАВИ

### 1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Тошкент шаҳрида Аджу университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4041-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 июндаги “Тошкент шаҳрида Аджу университетини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №518-сонли Қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Тошкент шаҳридаги Аджу университети (кейинги ўринларда Университет) кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда ўқитишнинг асосий йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича барча даражадаги мутахассисларни, шу жумладан, илмий педагогик кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга оширувчи юридик шахс мақомига эга бўлган нодавлат олий таълим муассасаси ва Аджу (Корея Республикаси) университетининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди Тошкент шаҳрида жойлашган алоҳида бўлинмаси ҳисобланади.

1.3. Университет умумэътироф этилган халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ қурилиш, архитектура, электротехника соҳаларида ва бошқа талаб юқори бўлган йўналишларда олий маълумотли малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек, тегишли илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширади.

1.4. Университетга абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Аджу университети (Корея Республикаси) томонидан белгиланган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади.

1.5. Университетни аккредитациядан ўтказиш Аджу университети (Корея Республикаси) томонидан белгиланган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

1.6. Университет таълим фаолиятини Ўзбекистоннинг қонунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда Аджу университети (Корея Республикаси) ўқув режалари ва дастурлари асосида олиб боради.

1.7. Университет ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий

хужжатлари, шунингдек, Корея Республикаси қонунчилиги, Аджу (Корея Республикаси) университетининг меъёрий ҳужжатлари ҳамда мазкур Уставга амал қилади.

1.8. Университет жойлашган жойда ректорнинг тавсиясига биноан ўз вазифаларини бажариш учун Аджу университети (Корея Республикаси)нинг бошқа вакиллари ҳамда мижозлар ва етказиб берувчилар бошқа ҳаракатлари, бюджет ва давлат бюджетидан ташқари жамғармалари, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашни амалга ошириш учун ҳисоб варағи очилади.

1.9. Университет бухгалтерия ҳисоб-китобларини мустақил олиб боради ва солиқ мажбуриятлари ҳамда бошқа тўловлар бўйича керакли ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тегишли органларга тақдим этади.

1.10. Университет Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг қонунчилигига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

1.11. Университет ўзининг тўлиқ номи ёзилган муҳри ва штампларига эга бўлади.

1.12. Университет Аджу университети (Корея Республикаси) томонидан таълим фаолиятини кўрсатиш учун зарур лицензияни олгандан сўнг таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олади.

1.13. Университетда таълим олиш ва иш юритиш ўрнатилган тартибда инглиз, ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

1.14. Университетнинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида: **Тошкент шаҳридаги Аджу университети (ТАУ) ёки Toshkent shahridagi Adju universiteti (TAU);**

рус тилида: **Университет Аджу в городе Ташкенте (УАТ);**

инглиз тилида: **Ajou University in Tashkent city (AUT).**

1.15. Университетнинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100204, Тошкент шаҳри, Яшнаобод тумани, Асалобод кўчаси, 113 ва 113А уйлар.

## **2. Асосий йўналишлар, мақсад ва вазифалар**

2.1. Университет фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг истиқболларига мувофиқ қурилиш, архитектура, электротехника, иқтисодиёт соҳаларида ва бошқа талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

- қурилиш, архитектура, электротехника, иқтисодиёт соҳаларида ва бошқа талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга қаратилган янги таълим дастурлари ва ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини таълим ва фан узвийлиги ва узлуксизлиги тамойили, шунингдек, жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига интеграциялаш асосида ривожлантириш;

- меҳнат бозорида мавжуд муаммо ва эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда қурилиш, архитектура, электротехника, иқтисодиёт соҳаларида ва бошқа талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш;

- педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, ўқитишнинг педагогик услублари ва технологияларини фаол такомиллаштириш;

- таълим ва илмий-техникавий соҳаларда хорижий мамлакатлар, аввало, Корея Республикасининг етакчи таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан узок муддатли муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

## 2.2. Университетнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- таълим хизматлари бозорида университетнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида мунтазам ўз-ўзини ривожлантириш ва билимларни янада ошириш;

- Университетнинг мамлакатни индустриал-инновацион ва ижтимоий-маданий ривожлантириш дастурини, Университетнинг халқаро таълим макони, шунингдек, республика таълим маконига интеграциясини таъминловчи инновацион моделини жорий этиш;

- талабаларнинг академик мобиллигини таъминлаш;

- таълим олувчиларни ватанпарварлик, халқига, миллий қадриятларга ва Ўзбекистоннинг маънавий меросларига муҳаббат ва ҳурмат, Университет обрўсига эҳтиёткорлик руҳида тарбиялаш;

- жамиятнинг ахлоқий, маданий ва илмий қадриятларини тўплаш, асраш ва бойитиш;

- ирқи, миллати, жинси, яшаш жойи, жамиятдаги аҳволи ва диний эътиқодларидан қатъи назар тенглигини таъминлаш;

- шахснинг ҳар томонлама баркамол камол топишига, жумладан, спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолиятни амалга ошириш орқали зарур шарт-шароитларни яратиш;
- таълим олувчиларда фуқаролик позициясини шакллантириш, масъулиятлилик, мустақиллик ва ижодий фаолликни ривожлантириш;
- иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ва инновацион, шу жумладан, халқаро қўшма лойиҳалар доирасидаги фаолиятга жалб қилиш;
- аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини ошириш
- битирувчиларга бўлган эҳтиёж, рақобатбардошликни ҳамда Университет дипломларининг халқаро тан олиншига эришишни таъминлаш мақсадида таълим дастурларини хорижнинг энг яхши аналоглари, маҳаллий меҳнат бозори талабларини ривожлантириш истикболлари билан уйғунлаштириш;
- профессор-ўқитувчилар таркибини тайёрлаш, танлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг малакасини, иқтисодий ва ижтимоий мавқеини ошириш;
- долзарб муаммолар ечимига йўналтирилган фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва олиб бориш;
- олий таълим, олий таълимдан кейинги тайёргарлик соҳаларида халқаро кооперацияларни, профессор-ўқитувчилар ва талабалар тажриба алмашини ривожлантириш, энг яхши маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориш, стратегик менежмент тажрибасини трансфер қилиш;
- Университетнинг таълим фаолияти ва ресурс таъминотини ривожлантириш;
- олий таълимни тизимли модернизациялашни таъминлаш;
- Университетнинг моддий-техника базасини ривожлантириш;
- касалликнинг турли хил патология, тур ва шаклларинобатга олган ҳолда ногирон ва соғлиги туфайли имконияти чекланган таълим олувчи шахслар учун дастурлар яратиш, таълимнинг медиа техника ва дастурий воситалари, масофавий таълим технологиялари, тўсиқсиз муҳитни яратиш;
- дарслик, ўқув қўлланма ва монографияларни ёзиш, чоп этиш ва тиражини белгилаш.

### 2.3. Университетнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- илғор билимларни пайдо қилишга кодир, ўз-ўзини доимо ривожлантириб борадиган, мамлакатнинг индустриал ва инновацион

иктисодиёти учун интеллектуал капитални ошира оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун ягона илмий ва таълим комплекси сифатидаги инновацион олий таълим муассасасини яратиш;

- республиканинг олий маълумотга эга юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини кондириш;

- янги ахборот технологияларини таълимга кенг жорий қилиш ва ўқув жараёни, шунингдек, илмий тадқиқотлар интеграциясини кучайтириш орқали мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш;

- халқаро илм-фан ва таълим маконига интеграциялашиш.

#### 2.4. Университет фаолияти турлари қуйидагилардан иборат:

- олий таълим;

- катталар ва ёшлар учун таълим;

- фуқаролик қурилиш, архитектура, электротехника соҳаларида, иктисодиёт тармоқларида профессор-ўқитувчилар таркиби ва кадрларни, шунингдек, бошқа мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

- иккинчи олий ва қўшимча таълим;

- абитуриентлар учун тайёрлов курслари;

- тил курслари (корейс, инглиз, рус тиллари);

- коворкинг-марказлар, ўқув ва маъруза заллари, кутубхона фаолияти;

- табиий ва техника фанлари соҳаларида тадқиқотлар ва ишланмалар;

- етакчи ихтисослаштирилган давлат ва хусусий компаниялари, муассасалари ва корхоналарида Университет талабалари учун ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш;

- Университетнинг асосий ва таълим йўналишлари бўйича етакчи илмий ва ўқув марказлари ва муассасалари билан халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

- семинар, вебинар, анжуман, симпозиум ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш;

- дарсликлар, ўқув-услубий ишланмалар ва бошқа нашрларни чоп этиш;

- ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, конструкторлик ва технологик ишланмалар тайёрлаш ва жорий қилиш;

- илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, технологик ишларни бажариш;

- экспертлик, маслаҳат ва таҳлилий ишлар ва хизматларини кўрсатиш;

- инновацион фаолиятни амалга ошириш, бизнес тизимлар, технопарклар, бизнес-инкубаторлар ва стартап-акселераторларни яратиш.

2.5. Асосий мақсад, вазифа, фаолият турлари ва Университет фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар Университетни ривожлантириш дастури билан белгиланади.

Университет таълим хизматини кўрсатиш учун махсус рухсатнома (лицензия)ни олгандан сўнг ёки унда белгиланган муддатдан бошлаб фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади ва рухсатноманинг (лицензия) амал қилиши тўхтатилгандан кейин тугатилади.

### 3. Талабалар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Белгиланган тартибда Университет ректори буйруғига асосан ўқишга қабул қилнган шахс Университет талабаси ҳисобланади.

3.2. Университетга қабул қилиш белгиланган тартибда тасдиқланган Низом асосида амалга оширилади.

#### 3.3. Университет талабалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- фан, техника, замонавий технологияларнинг ютуқларига мос билим олиш;
- Университетнинг ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон ўқув қўлланмалардан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;
- бепул маслаҳат ва тавсиялар олиш;
- ўрнатилган тартибда аудитория, таълим жараёни инструментларидан бепул фойдаланиш;
- таълим жараёни самарадорлигини ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклифлари ва танқидий фикрларини белгиланган тартибда Университет раҳбарияти, шу жумладан, деканат, кафедраларга билдириш, шунингдек, уларнинг кўриб чиқилишини талаб қилиш;
- Университет даражасида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;
- илмий-тадқиқот ишларида ва илмий анжуманларда иштирок этиш, шунингдек, ўз натижаларини нашр қилдириш ва бу ҳақида хабардор қилиш;
- Университетда қонуний асосда фаолият кўрсатадиган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва уларнинг ишида иштирок этиш.

3.4. Талаба сифатли олий маълумот олиши, танланган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган ва қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

3.5. Талаба ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан ўзга шахслар манфаатларига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

3.6. Ҳарбий хизматни ўташ, соғлигини тиклаш, хомиладорлик ва туғиш, шунингдек, фарзанд парвариши бўйича таътил даврида талабага Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда академик таътил берилиши мумкин.

3.7. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Университетда кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга университетда ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш имконияти тақдим этилади.

3.8. Университетнинг талабалар турар жойига мухтож талабаларга Университетнинг талабалар турар жойларидан санитар меъёрлари ва коидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланади. Талабалар турар жойларида тўлайдиган тўловларнинг ҳажми коммунал-маиший хизматлар учун тўловларни инобатга олиб, университет томонидан белгиланади.

3.9. Университет талабалари олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўқув режаларида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари ҳамда Университетнинг Уставига, Ички тартиб коидалари ва талабалар турар жойлари коидаларига риоя этишлари шарт.

3.10. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

3.11. Талабалар Аджу университети (Корея Республикаси) томонидан ўрнатилган тартибда ўқишдан четлаштирилади ва ўқишга қайта тикланади.

3.12. Ушбу Устав ва Университетнинг Ички тартиб коидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузган тақдирда талабага нисбатан интизомий жазо чоралар кўрилиши ёки ўқишдан четлаштирилиши қўлланилади.

Талабага қўлланилган интизомий жазо чорасининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан у норозилик билдириши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мурожаат этиши мумкин.

Интизомий жазолар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган пайти ҳисобга олинмаган ҳолда хатти-ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва хатти-ҳаракат содир этилгандан сўнг олти ойдан кечиктирилмай қўлланилади. Талабалар касаллик, академик таътил ёки хомиладорлик ва туғиш ҳолати



билан боғлиқ бўлган таътил вақтларида талабалар сафидан четлаштириш ман этилади.

Касаллиги туфайли ўқув жараёнига қатнашмаган талаба (ёки унинг ота-онаси) бир ҳафта муддатдан кечиктирмасдан Университетни ариза ва тегишли маълумотномалар орқали хабардор қилади.

#### **4. Ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий ишлар**

4.1. Университетга қабул танлов асосида амалга оширилади. Университетга кириш шартлари Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ Аджу Университети норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади.

4.2. Университет битирувчиларига Аджу Университетининг (Корея Республикаси) белгиланган намунадаги (магистр ёки бакалавр) дипломи берилади, ушбу диплом Корея ва Ўзбекистон Республикасида олий маълумот ҳақидаги ҳужжат деб тан олинади.

4.3. Фанлардан кириш имтиҳонларини ўтказиш Ректор бўйруғи асосида амалга оширилади. Апелляцион комиссия тартиби, тузилмаси ва фаолияти Аджу Университети (Корея Республикаси) талабларига мувофиқ ва университет Ректори томонидан тасдиқланган тартиблар билан белгиланади.

4.4. Университетда ўқув жараёни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Корея Республикасининг расмий таълим стандартлари, Аджу Университети (Корея Республикаси) норматив ҳужжатлари ва Университет Уставига мувофиқ белгиланади.

Таълимнинг давомийлиги, талабаларни четлаштириш тартиби ва асоси, талабалар билимини баҳолаш тизими ва мезонлари, шунингдек, уларнинг интизоми Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига асосан Корея Республикасининг давлат таълим стандартлари, шунингдек, Университет уставига мувофиқ тартибга солинади.

4.5. Университет талабалари Ректор ва Университет илмий кенгаши томонидан тасдиқланган Аджу Университети (Корея Республикаси) томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида таълим олишади.

4.6. Бакалаврият йўналиши учун ўқув дастур ҳар бир академик йил учун 2 семестр, тўрт йиллик курс учун 8 семестрни ташкил қилади. Дарслар бир семестрда 15 ҳафтадан кам бўлмаган ҳолда куннинг кундузги пайтида олиб борилади.

4.7. Университетда таълим турли шаклларда, асосан инглиз тилида, таълимнинг электрон технологиялари ва масофавий таълим технологияларини қўллаган ҳолда олиб борилади.

4.8. Телекоммуникация тизими орқали (Корея Республикаси) Аджу Университети томонидан кечки, масофавий, шунингдек, мавсумий машғулотлар таклиф қилиниши мумкин.

4.9. Таълим дастури сифатини бошқариш мақсадида Аджу Университети (Корея Республикаси) томонидан таълим дастурларини муҳокама қилиш, баҳолаш ва сертификатлаш учун Сертификацион қўмита тузилмоқда.

## 5. Университет тузилмаси ва бошқаруви

5.1. Университет умумий бошқарувини Ректор амалга оширади. Ректор Қарорлари буйруқ ва йўриқномалар шаклида қабул қиланади, улар Университет маъмурияти, ўқитувчилари, бошқа ҳамкорлар ва талабалар томонидан ижро этилади.

5.2. Университетнинг бевосита бошқаруви ректор рухсати ва Устав асосида Биринчи проректор (Корея Республикаси Аджу Университети вакили) томонидан амалга оширилади.

5.3. Университетнинг ташкилий тузилмаси ўз ичига университет маъмуриятини, Илмий кенгаш, Васийлик кенгаш, факультетлар, кафедралар, бўлимлар, академик кутубхоналар, маъмурий-иқтисодий, ўқув-методик, муҳандис-техник ва бошқа бўлинмаларни олади.

5.4. Университет маъмурияти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Корея Республикаси конунчилигига, Аджу Университети (Корея Республикаси) норматив ҳужжатлари ва мавжуд Уставга амал қилади.

5.5. Университет маъмурияти қуйидаги бошқарув органларига эга:

Аджу Университети (Корея Республикаси), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Васийлик кенгаши, Илмий кенгаш, Ректор, Биринчи проректор ва университет факультетлари.

5.6. Аджу Университети (Корея Республикаси):

- Корея Республикасида энг нуфузли хусусий тадқиқот университетларидан биридир, у 1973 йилда ташкил топган, Корея Республикаси конунчилигига мувофиқ фаолият олиб боради, қуйидаги манзилда жойлашган: Корея Республикаси, 16499, Кёнгни-до, Сувон шаҳри, Ёнтонг-гу, Ворлдкап-ро, 206;

- Илмий, таълим жараёнларига, қабул ва уларни режалаштириш ишларига жавобгар бўлган Университет Биринчи проректорни тайинлайди;

- 2020/2021 йилда «Архитектура», «Электротехника ва компьютер инженерияси» ва «Курилиш инженерияси» бакалавр таълим йўналиши бўйича шунингдек, таълим соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларини ҳисобга олган ҳолда Аджу Университетининг (Корея Республикаси) ўқув режа ва дастурлари асосида истиқболда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг зарур йўналишлари бўйича Университетнинг таълим фаолиятини ташкил этади;

- Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида магистратура йўналиши бўйича бошқарув кадрларни тайёрлайдиган Аджу Университети (Корея Республикаси) иқтисодиёт ва бизнес Олий мактабининг очилишига кўмаклашади;

- Университетда Аджу Университети (Корея Республикаси) билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда янги бакалавр таълим йўналиши ва магистратура мутассислиги, шу жумладан, (Корея Республикаси) Аджу Университети стандартлари асосида кўп тармоқли клиника, илмий-тадқиқот лаборатория ва диагностика марказларига эга бўлган тиббиёт факультетини очилишига кўмаклашади;

- Университетда белгиланган тартибда корейс тили институтининг очилишига кўмаклашади;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келушувига асосан Аджу Университети (Корея Республикаси) томонидан ўрнатилган талаблар, тартиблар ва муддатларга мувофиқ абитуриентлар қабули ва Университет битирувчиларининг аттестациясини амалга оширади;

- ўқув жараёни ва мутахассисларни тайерлаш белгиланган даражада олиб борилиши назоратини таъминлайди;

- Университет ўқув жараёнига илғор педагогик технологиялар ва инфор­мацион технологияларни татбиқ этади, халқаро стандартларга мос ўқув-методик материалларни тақдим этади;

- Университетга Корея Республикасида ва чет элда стажировкаларни ташкил этишда, шунингдек, Университет профессор-ўқитувчилари ва бошқа мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш дастурларига кўмаклашади;

- Университет кутубхона фондини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий-техник адабиётлар билан шакллантириш ва бойитишга, шу жумладан, (Корея Республикаси) Аджу Университетининг ресурс базасидан фойдаланиш

имкониятини тақдим этишда, замонавий инфор­мацион-ресурс марказининг яратилишига кўмаклашади;

- таълим тугагач, барча керакли имтихонларни муво­фақиятли топширган битирувчиларга Аджу Университетининг (Корея Республикаси) дипломини беради.

5.7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

- Аджу Университети (Корея Республикаси) билан ҳамкорликда Университет таъсисчиси ҳисобланади;

- 2019 йил 19 апрелда имзоланган “Аджу Университети таълим дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Аджу Университети (Корея Республикаси) ўртасидаги икки томонлама Келишувига асосан амал қилади;

- Аджу Университети (Корея Республикаси) билан келишув асосида университет Ректори лавозими­га тасдиқлаш учун номзод тақлиф этади;

- вазирлик балансида бўлган бино, қурилма ва ҳудудни Университет жойлашиши учун беғараз асосида белгиланган тартибда тақдим этади;

- 2022 йилга қадар Университет биноларининг қурилиш-таъмирлаш ва уларни жиҳозлаш ишларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширади;

- Университетга Ўзбекистон Республикасидаги илмий, таълимий, илмий-тадқиқот муассасалари, корхоналар, молиявий муассасалар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик муносабатларни ўрнатишига кўмаклашади;

- Университетнинг Ўзбекистон Республикасидаги бошқа давлат органлари муносабати билан боғлиқ бўлган масалаларини ҳал этади;

5.8. Университет васийлик кенгаши:

- Университет тузилмаси, штат жадвали ва Уставини тасдиқлайди, шунингдек давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлайди;

- 2020/2021 ўқув йилининг бошланишига қадар Университетни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган олий таълим муассасаларида фойдаланилаётган ўқув-методик мажмуалари билан таъминлайди;

- Университет фаолиятини ташкил этилишини таъминлайди, ташкилий, молиявий, юридик, иқтисодий, ўқув-методик, моддий-техник ва унинг тўлақонли фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади;

- Аджу университети (Корея Республикаси) раҳбарияти билан музокаралар ўтказиши ва Университет фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича алоқани амалга оширади;

- зарур лойихавий, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-тиклаш ишлари, жиҳозлаш, инфраструктурани тайёрлаш, Университет моддий-техник таъминотининг амалга ошириш графикларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;
  - Университет фаолиятини ташкиллаштириш бўйича тасдиқланган графикларда белгиланган вазифаларни бажаришнинг тизимли назорати ва мониторингини амалга оширади;
  - Университет фаолиятини ташкил этиш бўйича тасдиқланган графикда белгиланган масалаларнинг бажарилишининг мунтазам назоратни ва мониторингини амалга оширади;
  - ўқув жараёни, талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиёти, бакалавр ва магистрларнинг тайёрлаш сифатини тизимли ошириш, Университет битирувчиларини иш билан таъминлашни самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга, меҳнат бозорининг кейинги ривожланишини ҳисобга олган ҳолда истиқболли йўналишларни белгилаб, мутахассис ва илмий-техник кадрлар тайерлашга кўмак беради;
  - ижтимоий-иқтисодий соҳада юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, Университетда 2020/2021 ўқув йили ва кейинги йиллар учун қабул квотаси ва таълим тўловини (контракт суммаси) Аджу Университети (Корея Республикаси) билан келишилган ҳолда белгилайди;
  - Университетнинг босқичма босқич фаолиятини ривожланишини таъминлаш мақсадида ҳайрия, техник кўмак воситалари (грантлар) ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилади;
  - Университетнинг моддий-техник, ўқув-методик базасини мустаҳкамлашга, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлар билан ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашга, унинг ижтимоий ва маиший инфратузилмасини яхшилашга кўмаклашади;
  - талабаларнинг ижтимоий ҳимояси, биринчи навбатда, етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар таъминотига, иқтидорли талабаларга таҳсил олишлари учун стипендия ажратишга, талабалар уйида яшаш шароитни яхшилаш ва бўш вақтини фойли ўтказишга кўмаклашади;
  - Аджу Университети (Корея Республикаси) ва бошқа етакчи чет эл таълим муассасаларига махсус стипендиялар ажратиш йўли билан истиқболли талабаларни стажировкага юбориш учун танлов ташкил этади;
- Васийлик кенгаши “Тошкент шаҳрида Аджу Университетини ташкил этиш” тўғрисидаги 30.11.2018 йилдаги ПҚ №4041 Президент Қарори Иловаси билан тасдиқланган.

#### 5.9. Университет Илмий Кенгаши:

- Университет Илмий Кенгаши тўғрисидаги тасдиқланган Низомга мувофиқ тузилади;

- кенгаш берувчи орган саналади ва Ректор раҳбарлигида 5 йил муддатга сайланади;

- ўқув-илмий ишлар ва кадрлар тайёрлашни ташкил этишнинг тамойилларини белгилайди;

- Университетнинг ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантиришнинг истикболли йўналишларини муҳокама қилади ва улар бўйича зарур тавсиялар ишлаб чиқади;

- халқаро фаолиятнинг асосий йўналишларини шакллантиради;

- молиявий инструментларни тақсимлашнинг умумий тамойилларини белгилайди;

- иқтидорли талабалар, етим болалар ва ота-она қарамоғисиз бўлган болаларнинг таълим олиши учун стипендиялар ажратиш бўйича қарорлар қабул қилади ва тасдиқлайди;

- Университет Ректори ва Биринчи проректорининг йиллик ҳисоботларини тинглайди ва улар фаолиятини баҳолайди;

- факультет декани, кафедра мудири ва ўқитувчи лавозимларига фан доктори ва фан номзоди (PhD) илмий даражалари, профессор ва доцент илмий унвонларига эга бўлган номзодлар ичидан талабгорларни тасдиқлайди;

- Университетнинг академик ва тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқади;

- ўз фаолиятини мазкур Устав билан белгиланган тартиб асосида амалга оширади.

Илмий Кенгаш қарори аъзоларнинг 2/3 қисми қатнашганда қонуний ҳуқуққа эга бўлади ва очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан баённома расмийлаштириш оркали қабул қилинади.

#### 5.10. Университет Ректори:

- Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг қонунчилигига мувофиқ Университет фаолиятини самарали ташкил қилади ва Университет умумий фаолияти учун масъулиятни ўз зиммасига олади;

- белгиланган тартибда маъмурий, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, жиноий, нодавлат, жамоат, тижорат органларида, муассаса ва корхоналарда Университет манфаатларини ифода этади;

- Университетнинг маъмурий-молиявий, илмий-маънавий ва бошқа фаолиятини ташкил қилади ва амалга оширади;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишилган ҳолда Университетни зарур лицензия ва рухсатномалар билан таъминлайди;

- жорий банк ҳисоб рақамини очади, биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга;

- Университет номидан ўз ваколати доирасида қонунчиликда белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахслар билан ишлаш бўйича битимлар тузади;

- Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси қонунчилиги, шунингдек, Университет ва Аджу университети (Корея Республикаси) меъёрий ҳужжатлари асосида профессор-ўқитувчилар ва ёлланма ходимларни ҳамда Аджу университетидан (Корея Республикаси) жалб қилинган ўқитувчилар таркибини университетга ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишни амалга оширади;

- фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган ваколати доирасида Аджу университети (Корея Республикаси) ва Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосли таклиф ва тавсиялари асосида Университет ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркиби билан меҳнат шартномаларини тузади;

- илмий-тадқиқот ва таълим жараёнига жалб этиладиган хорижий давлат профессорлари ва ўқитувчиларининг турар жой ва транспорт харажатлари учун тўловлар шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади;

- Университетга жалб қилинган чет эллик профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визаларини белгиланган тартибда консуллик ва бошқа тўловларсиз расмийлаштиради;

- белгиланган тартибда кўп маротабалик визаларни бериш ва узайтиришни, шунингдек, Университетга жалб қилинган хорижий профессор-ўқитувчи ва маъмурий ходимлар, хусусан, уларнинг оила аъзоларидан давлат божи ундирилмаган ҳолда вақтинчалик яшаш жойи бўйича вақтинчалик рўйхатга олишни ва уни узайтиришни таъминлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги ва Университетнинг ички меҳнат тартиб-қоидаларига мувофиқ Университетнинг ходимлари ва талабаларига нисбатан интизомий чоралар кўриш ҳуқуқига эга, шу жумладан, Биринчи проректорнинг таклифлари асосида;

- ўз ваколатлари доирасида Университетнинг барча ходимлари ва талабалари (тингловчилари) ижроси учун мажбурий бўлган фармойиш ва буйруқларни чиқаради;

- Университет пул маблағлари қирим ва чиқимларини белгиланган тартибда назорат қилади;

- Университет профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил этади;

- Университет Илмий кенгаши Раиси сифатида унинг ишини ташкиллаштиради, Илмий кенгашнинг Низоми ва унинг ташкилий тузилмасини тасдиқлайди;

- Университетга талабаларни қабул қилиш, уларни талабалик сафидан чиқариш ёки қайта тиклаш лойиҳаларини тасдиқлайди;

- Университет қабул комиссияси ва битирувчи талабалар аттестациясини бошқаради;

- Университетнинг ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот ишларини тасдиқлайди ва назорат қилади;

- ёнғин хавфсизлигини ташкил этади, Университетда фуқаролик муҳофаази талабларига риоя этилишини таъминлайди;

- Университетнинг фаолияти тўғрисида таклифларни шакллантиради ва ҳисоботларни (шу жумладан, молиявий ҳисоботларни) Илмий кенгашга, Васийлик кенгаши ва Аджу Университетига (Корея Республикаси) тақдим этади.

Университет ректори Аджу Университети (Корея Республикаси) билан келишилган ҳолда белгиланган тартибга мувофиқ тасдиқланади.

#### 5.11. Университетнинг Биринчи проректори:

- Аджу Университети (Корея Республикаси) талабларига мувофиқ талабаларни тайёрлаш сифатини таъминловчи ўқув режа ва стандартларни шакллантиришни камраб олган ҳолда Университетда таълим ва илмий-тадқиқотни режалаштиришни бошқаради;

- Университет Ректори розилиги билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ўқув ва илмий жараёнларни самарали ташкиллаштириш учун ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

- Университет ходимлари ва профессор-ўқитувчилари таркибини шакллантиришда бевосита иштирок этади;

- Университет профессор-ўқитувчи таркиби фаолиятини назорат қилишни амалга оширади, тегишли таклифларни ишлаб чиқиш билан биргаликда ходимларни мунтазам аттестациядан ўтказиши;

- Ректор ва Аджу Университети (Корея Республикаси) билан келишилган ҳолда Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишларни ташкиллаштиради;

- Университетга талабаларни қабул қилиш, уларни талабалик сафидан чиқариш ёки қайта тиклаш лойиҳаларини шакллантиради;

- Университет қабул комиссиясининг ўз вақтидаги ва сифатли ишини ташкиллаштиради, шунингдек, Аджу Университети (Корея Республикаси) билан келишилган ҳолда битирувчи талабалар аттестациясини олиб боради;



- Университетнинг ягона, самарали таълим ва илмий фаолиятини шакллантиради;

- маъруза, семинар, амалий машғулот, имтихонлар сифатини таъминлайди, тадқиқот ва бошқа фаолиятни назорат қилади, Аджу Университети (Корея Республикаси) стандартларига мувофиқ фаолият самарадорлигига жавоб беради;

- давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорликда Ректор топшириғига биноан муайян шарт-шароитларда Университет номидан шартнома ва битимлар тузади;

- Университет талабалари ва тингловчилари ўртасида тарбиявий ишларни олиб боради;

- Ректор билан келишилган ҳолда Университет бўлинмалари ва ходимлари мажбуриятларини тақсимлайди;

- Аджу Университети (Корея Республикаси) стандартларига мувофиқ Университетнинг моддий-техник ва ўқув-услугий базасини мустаҳкамлашга ёрдам беради;

- Университет фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни шакллантиради ва уни Ректор, Илмий кенгаш, Васийлик кенгаши ва Аджу Университетига (Корея Республикаси) тақдим этади.

Университетнинг Биринчи проректори Аджу Университети (Корея Республикаси) Президенти тақлифига биноан Университет Ректори томонидан тасдиқланади.

#### 5.12. Университет факультетлари:

- 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб бакалаврият таълим йўналишлари бўйича 3 та факультет ташкил этилмоқда: “Архитектура”, “Электротехника ва компьютер инженерияси” ва “Қурилиш инженерияси”;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг қурилиш, архитектура, электротехника ва бошқа талабгор йўналиш соҳалари бўйича кафедра, лабораториялар ва бошқа ўқув, илмий ёки баъзи бўлинмаларни ўз ичига камраб олиши мумкин;

- ўз фаолиятини ўқув-услугий ва илмий режалар, Университет Устави ва Аджу Университети (Корея Республикаси) меъёрий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

#### 5.13. Факультет декани:

- факультетнинг самарали ишини ташкиллаштиради, ўз ваколати доирасида буйруқлар чиқаради;

- Аджу Университети (Корея Республикаси) мувофик декани ва профессор-ўқитувчилар таркиби билан биргаликда, шунингдек, Биринчи проректор билан келишилган ҳолда факультет фаолиятини, ўқув режа ва дастурларини мувофиқлаштиради;

- Университет Илмий кенгаши томонидан белгиланган муддатда ўз фаолияти тўғрисида мунтазам равишда ҳисобот бериб боради.

## **6. Университет таркиби**

6.1. Университет таркиби профессор, доцент, ўқитувчилар, олим, талабалар, кутубхоначи, маъмурий-техник, муҳандислик ва ишлаб чиқариш ходимларидан иборат.

6.2. Университет ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги қонунчилик, ушбу Устав ва бошқа маъмурий-меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

## **7. Университетни молиялаштириш**

7.1. Университетни молиялаштириш талабалар таълимидан келиб тушадиган тўлов-шартнома асосида, шартнома асосидаги хўжалик фаолияти ва хизмат кўрсатиш даромади, юридик ва жисмоний шахслар хайрия эҳсонлари, манфаатдор ташкилотлар томонидан тақдим қилинадиган техник кўмак маблағлари (грантлар), шунингдек, қонун доирасида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

7.2. 2020/2021 ва 2021/2022 ўқув йилида ўқишга қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – талабалари учун уларнинг Университетни битиргунларига қадар, юридик шахслар – потенциал иш берувчилар контракт тўлови бундан мустасно, республиканинг бошқа давлат олий таълим муассасалари таълими йўналишига мувофиқ тарзда таълим қиймати миқдоридан ошмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан контракт миқдорининг бир қисми шаклидаги тўлов кўринишида давлат кўмаги берилади.

Давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган Университет битирувчилари олинган мутахассислик бўйича камида уч йил давлатнинг ташкилотлари ва муассасаларида ишлаш шarti билан ишга тақсимланади.

7.3. Университет Аджу Университети (Корея Республикаси) номи ва раҳбарлиги остида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси қонунчилигига мувофиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширади.

7.4. Университет белгиланган тартибда ҳисоб ва ҳисоботни амалга оширади.

7.5 Университет ваколатли органда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Тошкент шаҳридаги Аджу университетининг алоҳида бўлинмаси сифатида рўйхатдан ўтказилган.

7.6. Университет мустақил равишда Тошкент шаҳридаги Аджу Университети сифатида фаолият юритади ва ҳокимиятларга солиқ ва умумдавлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим қилади.

7.7. Пул маблағлари ва товарлар ишлаб чиқариш ва олиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган барча ҳужжатлар, шунингдек, ташкилотлар ва фуқаролар билан ўзаро муносабатлар Ректор томонидан Биринчи проректор ва Университет Бош ҳисобчисининг тавсиясига биноан тартибга солинади.

7.8. Университетнинг ўқув, молиявий, иқтисодий, маъмурий ва бошқа фаолиятига, шунингдек, Университет мол-мулки устидан назорат қилиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

## 8. Университетнинг халқаро фаолияти

8.1. Университет ўз ваколати доирасида педагогика, илмий, илмий-услугий ва нашриёт фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси қонунчилигига мувофиқ табиий-илмий тадқиқотлар, илмий анжуманлар, илмий-амалий мактаблар, семинар ва халқаро кўрғазмаларни ташкиллаштириш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

8.2. Қуйидагилар Университет халқаро фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

- Аджу Университети (Корея Республикаси) профессор-ўқитувчилари ва раҳбарияти билан таълим ва фаннинг истиқболли йўналишлари бўйича яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- талаба ва ўқитувчилар алмашинувининг икки томонлама ва кўп томонлама дастурларида иштирок этиш;

- Университетнинг таълим ва фан соҳалари бўйича кўшма илмий-амалий тадқиқотлар, конгресс, анжуман, симпозиум ва бошқа тадбирларни ҳамкорликда ўтказиш;

- хорижий юридик шахсларнинг буюртмаларига биноан фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар, шунингдек, тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш;

- олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим ва қўшимча касб-хунар таълимининг кўшма таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- чет эллик ўқитувчи ва мутахассисларни Университет ўқув жараёни ва илмий фаолиятида иштирок этишга таклиф этиш;
- ўқитувчиларни педагогик ва илмий ишларга тайёрлаш учун хорижий таълим ва илмий муассасаларга тажриба алмашишга юбориш;
- хорижий ташкилотларга маслаҳат (консультация) хизматини кўрсатиш;
- халқаро тадқиқот дастурлари доирасида турли халқаро ташкилотларнинг илмий ва таълим грантларини қўлга киритиш учун танловларда иштирок этиш;
- дипломдан кейинги ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни такомиллаштириш бўйича халқаро дастурларда иштирок этиш.

## **9. Университет фаолиятини тугатиш тартиби**

9.1. Аджу Университети (Корея Республикаси), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан келишилган ҳолда Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қуйидаги ҳолатларда Университет фаолияти тўхтатилади:

- Ўзбекистон ва Корея томонлари ўртасида имзоланган Битим ва Шартнома доирасида Университетнинг тўлақонли фаолиятини амалга ошириш бўйича зиммаларига олган ўз мажбуриятларини томонлардан бирининг бажармаслиги ёки сифатсиз бажариши;

- Корея томонидан ўз мажбуриятларининг нотўғри амалга оширилиши, юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда мақбул қарор ёки муросани топишни хоҳламаслик, шунингдек, объектив ва маълум сабабларга кўра ёки форс-мажор ёки бошқа ҳолатлар туфайли амалга оширишнинг имкони бўлмаган юқори (аввало, молиявий) талабларни Университетга таклиф қилиш;

- Университет томонидан лицензиялаш, сертификатлаш ва аккредитация қилиш талабларига риоя қилмаслик, Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси қонунчилигининг қўпол равишда бузилиши;

- бошқа объектив ҳуқуқий асослар бўйича ҳолатлар.

9.2. Университет тугатилиши вақтида Университетни бошқаришга ваколатли бўлган ликвидация комиссияси тайинланади.

9.3. Аджу Университети (Корея Республикаси) четлатилган тақдирда Университет фаолиятини тугатиш Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

9.4. Университет тугатилган (кайта ташкил этилган) тақдирда, Ректор расмий сир ва унинг техник воситаларининг сақлашини таъминлаш

чораларини кўриши шарт. Бундай ҳолда, расмий сирни ташкил этувчи техник воситалар белгиланган тартибда йўқ қилинади, архивга ва/ёки ҳуқуқий ворисга топширилади.

9.5. Университет тугатилган тақдирда, ўқиб келаётган талабаларга олий таълим талаблари ва Корея томони стандартларига жавоб берадиган келишилган ўқув режаси доирасида даража олиш имконияти берилиши керак. Университетни тугатиш босқичма-босқич амалга оширилиши, ҳар йили Университетга киришни тўхтатиб турилиши ва ўқиётган талабаларга зарар етказмаслиги керак.

## 10. Яқуний қондалар

10.1. Ушбу Устав Давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейин кучга киради.

10.2. Мазкур Уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Университет Васийлик Кенгаши томонидан Аджу Университети (Корея Республикаси) ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда тасдиқланади.

10.3. Университет Устави ҳаракати ва фаолиятини тугатиш Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

10.4. Ушбу Устав уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) тузилди ва ҳар бири бир хил юридик кучга эга.